МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 32 (5893).

15 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун деҳқончилик маданиятини ошириш бўйича белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши область бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози тадбирларини кенг муҳокама қилишни ва ана шу асосда 1977 йил учун олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган деҳқончилик маданиятини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газета редакциялари, область радиоси, «Тошкент» телепрограммаси редакциясига районлар, колхозлар, совхозлар белгилаган тадбирларни, қишлоқ меҳнаткашларининг 1977 йил социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга қаратилган меҳнат ташаббусларини кенг тарғибот қилишни топширди.

(«Маданият» колхозининг тадбирлари газетамизнинг учинчи саҳифасида босилди).

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўниччи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб давлатга сотишда улкан ютуқларни қўлга киритдилар.

Республика пахтакорлари мисли кўрилмаган қийинчиликларни енгиб мўл ҳосил етиштирдилар, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиб давлатга 5.337.000 тонна пахта сотдилар — бу планда кўрсатилгандан 747 минг тонна кўпдир, 241 минг тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди. Улкан пахта хирмони учун олиб борилган курашга Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Хоразм областининг пахтакорлари гектаридан 36,4 центнер пахта олиб энг юқори кўрсаткичга эришдилар, шунингдек Сурхондарё области пахтакорлари гектаридан 34,1. Андижон область пахтакорлари — 32,9, Тошкент область пахтакорлари—32,3, Самарқанд область пахтакорлари — 31 центнердан пахта етиштириб улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Республикамизда 43 район гектаридан 30-35 центнердан, Юқори Чирчиқ районн 41, Пахтачи районн — 41,5 центнердан, юзлаб пахтачилик бригадалари 50-60 центнер ва ундан ошириб пахта ҳосили олдилар.

Республикамиз механизаторлари техникадан юқори унумли фойдаланиб, тарихда биринчи марта 2,9 миллион тонна «оқ олтин»ни машиналарда териб олдилар. Бу етиштирилган жами ҳосилнинг ярмидан кўпини ташкил қилади. Тошкент области хўжаликлари ялпи ҳосилнинг 77 процентини, Сирдарё области хўжаликлари — 74 процентини, Жиззах области хўжаликлари — 70 процентини «зангори кемаларда» териб олдилар. Кўп район ва хўжаликлар етиштирилган ҳосилнинг 85-90 процентн ва ундан ортиғини механизмлар ёрдамида териб олдилар.

Дон етиштириш анча кўпайтирилди. 1976 йили ҳаммаси бўлиб 2 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди, шу жумладан колхоз ва давлат хўжаликларида 690 минг тонна маккажўхори етиштирилди. Бу 1975 йилдагига қараганда 1,6 баравар кўпдир, маккажўхори ҳосилдорлиги гектар бошига 61 центнерга етказилди. Ҳаммаси бўлиб 351 минг тонна шоли етиштирилди. Давлатга дон сотиш бўйича қабул қилинган социалистик мажбурият анча ошириб бажарилди. Давлатга 1 миллион тоннадан ортиқ, яъни план топшириқларида кўрсатилган миқдордан 1,6 баравар кўп дон сотилди.

Ўниччи беш йилликнинг биринчи йилида мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш анча кўпайтирилди, бу маҳсулот билан аҳолини таъминлаш анча яхшиланди. Сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш плани 121 процент, мева етиштириш плани 144, узум етиштириш плани 117, полиз экинлари маҳсулоти етиштириш плани эса 123 процент қилиб бажарилди. Бутуниттифоқ фондига мева ва сабзавот етказиб бериш топшириқлари ортиғи билан адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, республикада жамоат чорвачилигини ривожлантиришда улкан тадбирлар амалга оширилди. Колхоз ва совхозларда мол ва паррандалар сони кўпайди, уларни урчитиш ҳисобига подалар кенгайтирилди, маҳсулдорлиги оширилди, чорвачилик ялпи маҳсулоти етиштириш кўпайтирилди, унинг сифати яхшиланди. Давлатга 1976 йили планда кўрсатилгандагидан 17 минг тонна кўп гўшт, 56 минг тонна кўп сут, 56 миллион дона кўп тухум сотилди.

Пилла, каноп, тамаки етиштириш ва давлатга сотиш бўйича олинган юқори мажбуриятлар муваффақиятли адо этилди.

Комплекс механизациини ривожлантириш, химиялаштириш, алмашлаб экишни жорий этиш, янги ерларни ўзлаштириш, эскидан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумида ишлаб чиқилган аграр сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида, партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнати, партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органлари олиб борган ташкилотчилик ишлари туфайли рўй берди.

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиямизнинг XXV съезди белгилаб берган тарихий кўрсатмаларни адо этишда ўз олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1976 й.) Пленуми қарорларига ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, беш йилликнинг иккинчи йилини юксак уюшқоқлик билан бошладилар, деҳқончилик ва чорвачиликни бундан буён янада юксалтириш учун янги резерв ва имкониятларни изламоқдалар. Биз қурултой қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалик ходимлари ва барча меҳнаткашларига юборган Мактубига жавобан, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг барча меҳнаткашлари номидан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, 1980 йилда етиштириладиган ва давлатга сотиладиган пахтани 5 миллион 850 минг тоннага етказишга ваъда берамиз ва 1977 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул киламиз:

1. 5 миллион 360 минг тонна пахта, шу жумладан 275 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб давлатга сотамиз. Ҳар гектаридан камида 31 центнердан пахта етиштирамиз.

Ана шу мақсадни муваффақиятли бажариш, баҳорги дала ишларини намунали ўтказиш учун барча кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сафарбар этамиз, юқори сифатли уруғлар билан баҳорги экиш кампаниясини қисқа муддатда тугалланишини таъминлаймиз. Ғўзани ва бошқа экинларни парвариш қилишнинг комплекс агротехника тадбирларини юқори сифатли қилиб амалга оширамиз. Ҳосилдорликни оширишни ва маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлаймиз.

Бундан буён ҳам деҳқончилик маданиятини оширишга, алмашлаб экишни ва техника тараққиётини жорий этишга, комплекс механизацияни ўзлаштиришга, ер-сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, моддий техника базаси ва қишлоқ хўжалик техникасидан, шунингдек ҳар бир агрегат, ҳар бир трактордан унумли фойдаланишга катта аҳамият берамиз. Тупроқнинг унумдорлигини оширишда маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланамиз.

950 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз. 680 минг гектар майдонга туксизлантирилган чигитни аниқ миқдорда экамиз. 1.400.000 гектар майдонда гербицидларни ишлатамиз. 900 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 3 миллион 200 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз. 600 минг гектардаги пахтани теришда қўл кучи ишлатмаймиз. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашда биологик усуллардан кенг фойдаланамиз. Пахтачиликда меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига қараганда камида 5 процент кўпайишини таъминлаймиз.

2. Барча категориядаги хўжаликлар бўйича дон етиштиришни 2,5 миллион тоннага, шу жумладан колхоз ва давлат хўжаликларида маккажўхори етиштиришни 945 минг тоннага, шоли етиштиришни 415 минг тоннага етказамиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 1.100.000 тонна сабзавот, 510 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 185 минг тонна картошка, 305 минг тонна ҳўл мева, 325 минг тонна узум етиштирамиз.

Давлатга 1 миллион тонна дон, шу жумладан 275 минг тонна шоли, 1.150.000 тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка, 560 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 220 минг тонна ҳўл мева, 265 минг тонна узум сотамиз. Мамлакатимиз шаҳарлари ва саноат марказларига мева, сабзавот маҳсулотлари етказиб беришни анча кўпайтирамиз. 305 минг тонна каноп поя, 24,5 минг тонна тамаки барги етиштириб давлатга сотамиз.

3. Чорвачиликнинг моддий-техника воситалари билан тобора кўпроқ таъминланаётганлигига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш операторн Анастасия Ивановна Чудняяга ҳамда Киев области чорвадорларига юборган Мактубидан илҳомланган чорвадорларимизнинг юксак ташаббускорлик билан меҳнат қилишларига таянган ҳолда колхоз ва давлат хўжаликларида 235 минг тонна гўшт, 710 минг тонна сут, 770 миллион дона тухум, 16,2 минг тонна жун етиштирилади. Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 220 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 605 минг тонна сут, 650 миллион дона тухум, 24,6 минг тонна жун сотамиз. 1977 йили давлатга гўшт ва сут сотиш бўйича беш йиллик планда 1979 йил учун кўзда тутилган даражага етамиз.

1977 йилнинг охирига бориб колхоз ва давлат хўжаликларида қорамоллар сонини 1.505.000 бошга, шу жумладан сигирлар сонини 425 минг бошга, чўчқалар сонини 355 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 6.300.000 бошга, паррандалар сонини 6.600 000 бошга етказамиз.

Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни кўпайтириб, 2200 килограммга етказамиз. Ҳар бир товуқдан 165 тадан тухум оламиз. Гўштга топшириладиган ҳар бир қорамол вазнини 400 килограммга, чўчқани, 110 килограммга, қўйни —50 килограммга етказишни таъминлаймиз.

Ҳар юз бош сигирдан 80, та бузоқ, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 115 та қўзи ва улоқ, ҳар 100 бош она чўчқадан 2300 та чўқа боласи олишга эришамиз.

Республикамизда йилқичиликни, қуёнчиликни, бройлер паррандачиликни, асаларичиликни, балиқчиликни, мўйначиликни янада ривожланишини таъминлаймиз. Наслчилик ишларини яхшилаймиз. Фермаларда ветеринария-профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга оширамиз, намунали санитария тартибини ўрнатамиз.

4. Алмашлаб экишни планли равишда ўзлаштириш, бедапоя, маккажўхори ва бошқа экинлар майдонини кенгайтириш асосида чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамланишини таъминлаймиз. Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинларни етиштиришни яхши йўлга қўямиз. Уларнинг ҳосилдорлигини оширамиз ва жамоат чорвачилигини ҳар хил юқори сифатли ем-хашак билан таъминлаймиз. Барча ем-хашак экинларини ўз вақтида йиғиштириб оламиз ва қишки муддатларда молларга бериш учун 5.200.000 тонна пичан, шу жумладан 2.100.000 тонна сенаж тайёрлаймиз, 3.700.000 тонна силос бостирамиз. Ем-хашак ишлаб чиқаришда, уни тайёрлаш ва фойдаланишда прогрессив технологияни жорий қиламиз. 330 минг тонна донадор озуқа, 150 минг тонна витаминли ўт уни, 100 минг тонна брикетлантирилган озуқа тайёрлаймиз. Чорвачиликда хлорелла бўтқасидан кенг фойдаланамиз.

Биз саноат корхоналари, қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективини чорвачиликка оталиқ ёрдами кўрсатишни кучайтиришга, қурилиш-монтаж ишларини ва чорвачилик комплекс, омихта ем заводлари ва цехлари, паррандачилик фабрикасини реконструкция қилиш ва ишга тушириш ишларини жадаллаштиришга, фермалардаги сермеҳнат ишларни механизациялаштиришга ёрдам беришга чақирамиз.

5. 24 минг тонна пилла етиштириб, давлатга сотамиз. Ипак қурти боқишда, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда илғор усуллардан фойдаланишни давом эттирамиз.

6. Камида 100 минг гектар янги ер очиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 101,6 минг гектар майдонни мелиоратив жиҳатдан яхшилаймиз, 71 минг гектар майдонни капитал тексиламиз.

7. Колхоз жамоат маблағларининг юқори самарали фойдаланилишига, колхоз Уставига ва давлат интизомини мустаҳкамлашга қатъий риоя қилинишига эришамиз. Иқтисодий ишнинг, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг форма ва методларини бундан буён ҳам муттасил такомиллаштира борамиз. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида меҳнатни ташкил қилишни ва унга ҳақ тўлашни тўғри йўлга қўямиз.

(Давоми иккинчи бетда).

ЧОРВАДОРЛАР УЧУН МУНОСИБ НАМУНА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ МАШИНАДА СУТ СОҒИШ ОПЕРАТОРИ, СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ А. И. ЧУДНАЯГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ.



Суратда: А. И. Чудная ўз шогирдлари даврасида. А. Абалян фотоси.

ЎТГАН шанба куни Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг клуби одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерга йиғилганлар чеҳрасида мамнунлик, қувноқлик. Областимиз қишлоқ хўжалиги илғорлари, машҳур чорвадорлар ва сут соғувчилар «Красний водопад» экспериментал базасининг оператор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Анастасия Ивановна Чудняяга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев йўллаган мактуб муносабати билан бўладиган митингда қатнашиш, устоз соғувчининг меҳнат муваффақиятлари билан табриклашга тўпланган эдилар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаханов митинг қатнашчиларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг А. И. Чудняяга йўллаган мактубини ўқиб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Анастасия Ивановна меҳнатларига берган юксак баҳоси область меҳнаткашларини янада яхшироқ ишлашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга, иш сифати ва самарадорлигини оширишга ундайди. Мактубга жавобан чорвадорларимиз давлатга сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар сотиш йиллик планнини муддатидан илгари бажариш учун курашни авж олдириб юбордилар.

Минбарга Анастасия Ивановна Чудняя кўтарилди.

— Мен бугун ғоят бахтиёрман, — дейди у, — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг йўллаган мактуби ҳаётимда унутилмас қувончли воқеа бўлиб қолади. Буни фақат менинг меҳнатимга эмас, институтимиз коллективига, барча ҳамкасбларим, область, республика қишлоқ меҳнаткашлари ишига берилган юксак баҳо деб биламан. Мактубга жавобан боқимимдаги 173 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4100 килограммдан сут соғиб олиб, давлатга жами 710 тонна юқори сифатли сут етказиб бераман.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг машҳур сут соғувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова бундан 15 йил муқаддам «Красний водопад» экспериментал базасида бўлиб Анастасия Ивановнадан касб ўрганган эди. Устоз тажрибаларини ўз хўжалигида оммалаштирди. Меҳнатлари муносиб тақдирланди. Кўп сонли шогирдлар номидан ғамхўр мураббийни муборакбод этган М. Исоқова бу йил қарамоғидаги 30 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 6200 килограммдан сут соғиб олишга сўз берди.

Чорвачилик илмий-текшириш институти ишчи-хизматчилари номидан сўзга чиққан шу институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ш. Акмалхонов мактубга жавобан фан-техника ютуқларини чорвачиликка кенг жорий қилиш, чорвачилик маданиятини янада юксалтириш ҳақида гапирди.

— Оддий деҳқоннинг камтарин меҳнатлари бизнинг социалистик жамиятимиздагина шунчалар қадрланиши, эъзозланиши, ҳурматланиши мумкин,— дейди Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Убайдуллаева.— Бугун биз ана шу қадр, эъзоз ва ҳурматнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Колхозимизда А. Чудняя издошлари, шогирдлари анчагина. Бу мактуб бизнинг колхозимиз чорвадорларини ҳам янги ғалабалар сари ундамоқда. Жумладан, илғор соғувчи Ўрингул Ортиқбоева қарамоғидаги 30 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4500 килограмм ўринга 5000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилди. Колхоз чорвадорлари мавжуд 775 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3500 килограммдан сут соғиб оладилар ва давлатга пландаги 2100 тонна ўринга 2700 тонна юқори сифатли сут етказиб берадилар.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номига мактуб йўлладилар.

Митингда область ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов, область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, область партия комитети секретари А. Икромов, касаба союзлари область Советининг раиси А. В. Браилов, республика қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Х. Жалилов ўртоқлар иштирок этдилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

«САЛЮТ-5»: УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 февраль. [ТАСС]. «Салют-5» орбитал илмий станциясининг иккинчи экипажи — Виктор Горбатко билан Юрий Глазков космосда учаётганларига етти кун бўлди.

Кейинги икки иш куни программанинг асосий қисми айрим техникавий, технологик, медикакавий ва биологик тадқиқот ҳамда экспериментларга ажратилди. Станция системаларн ва агрегатлари турли иш режимларида яна синаб кўрилди. Космонавтлар вазнсизлик шароитида кристалл ўсиш хусусиятларини бундан буён ўрганиш мақсадида алюминий-калийли аччиқтош эритмасига янги тезоб кристаллар қўшиб экспериментнинг боришини назорат қилиб турибдилар. Вазнсизлик шароитида ҳосил бўлган кристаллар ерга қайтарилиб анализ қилинади ва ердаги шароитларда ҳамда станция биринчи экипажининг иш чоғида «Салют-5» станциясида етиштирилган намуналар билан таққослаб кўрилади.

Иккала космонавт ўзларининг яхши ҳис қилишяпти. Ер атрофи орбитасидаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

КОЛХОЗЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Республика колхозлар кенгашининг навбатдаги мажлиси Тошкентда бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон хўжаликларида тупроқ унумдорлигини оширишнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар плани муҳокама қилинди.

Кенгаш колхозларга олимлар билан мутахассислар ишлаб чиққан ҳамда ерларнинг унумдорлигини оширишни таъминлайдиган тадбирларни ўз планларига киритишни, шу тадбирларнинг бажарилишини қаттиқ контроль остига олишни тавсия этди.

Кенгаш мажлисида фан ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга тааллуқли бўлган масалалар ҳам тингланди.

Мажлисда колхозларнинг 1976 йилги ишлаб чиқариш—молия фаолияти якунлари муҳокама қилинди. Қашқадарё область колхозларида социалистик мулкни сақлашнинг аҳволи тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис республика колхозлар кенгашининг 1977 йилги иш планини тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Тошкент область касаба союзлари Совети маълум қиладики, область касаба союзларининг союзлараро IX конференцияси 1977 йил 17 февраль соат 10 да область партия комитети мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9) ўз ишини бошлайди.

Делегатлар 16 февралда область касаба союзлари Советида, 17 февраль соат 9 дан область партия комитети биносида рўйхатга олинади.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

(Боши биринчи бетда)

Фан-техника тараққиётини жорий қилишга, ер-сув, моддий техника ресурслари, қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, ҳар бир агрегат, ҳар бир трактордан юқори унумли фойдаланишга алоҳида аҳамият берамиз.

Тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлаш тадбирларини амалга оширамиз, суғориладиган ва лалмикор ерларда иҳота дарахтзорлар барпо қиламиз. Табиатни қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўғит, заҳарли химикатлар, гербицид ва бошқа химия воситалари билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш ишларини кучайтирамиз.

8. Мажбуриятларни бажариш учун курашда қардош паҳтакор республикаларининг анъанавий социалистик мусобақаси ғоят катта роль ўйнайди. Бизнинг буюк кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги рамзи ҳисобланган бу мусобақа мавжуд ҳамма резерв ва имкониятлардан янада тўларок фойдаланишга ёрдам беради.

Биз, қурултой қатнашчилари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан мусобақадош биродарларимиз — Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун социалистик мусобақани давом эттиришга чақирамиз.

Биз, ўз имкониятларимизни чамалаб чиқиб, министрлик ва унга қарашли ташкилотлар, Қорақалпоғистон АССР ва ҳар бир область бўйича 1977 йил учун қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БЎЙИЧА

Гектаридан камида 30 центнердан пахта ҳосили оламиз. 370 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

60 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз. 60 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қиламиз. Камида 250 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз.

19.710 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз, 3.050 гектар майдонни капитал текислаймиз, 6.100 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 285 минг тонна дон, шу жумладан 215 минг тонна шоли, 70 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори, 5,5 минг тонна картошка, 35 минг тонна сабзавот, 41 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 7 минг тонна ҳўл мева, 600 тонна узум, 14,4 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 39 минг тонна сут, 23 миллион дона тухум, 1100 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 175 минг тонна дон, шу жумладан 170 минг тонна шоли, 2,5 минг тонна картошка, 30 минг тонна сабзавот, 35 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 4 минг тонна ҳўл мева, 500 тонна узум, 14,4 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 29 минг тонна сут, 22 миллион дона тухум, 1900 тонна жун, 765 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 178 минг бошга, шу жумладан сигирларни 47 минг бошга, чўчқалар сонини 11 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 570 минг бошга, паррандани 390 мингтага етказамиз.

Ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 1700 килограммдан сут, ҳар бир товуқдан 135 тадан тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг тирик вазнини 360 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкиларни 45 килограммга етказамиз. Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз. Ҳар юз бош сигирдан 75 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2200 та бола, ҳар бир совлиқ ва она эчкидан 120 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парваришлаймиз, ҳар гектар эски бедапоядан 120 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 340 центнер кўкпоя оламиз. 370 минг тонна силос бостирамиз. 450 минг тонна пичан, шу жумладан 130 минг тонна сенаж, 18 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив усулларни жорий этамиз.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 34 центнер пахта ҳосили оламиз ва 610 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

75 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 80 минг гектар майдондаги ғўзаларни механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 315 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз.

2010 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз, 9000 гектар майдонни капитал текислаймиз, 13.800 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 105 минг тонна дон, шу жумладан 2,5 минг тонна шоли, 75 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори, 4 минг тонна картошка, 83 минг тонна сабзавот, 22 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 29 минг тонна ҳўл мева, 18 минг тонна узум, 20,8 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 75 минг тонна сут, 45 миллион дона тухум, 550 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 40 минг тонна дон, 3,1 минг тонна картошка, 95 минг тонна сабзавот, 21 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 18 минг тонна ҳўл мева, 15 минг тонна узум, 12,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 54 минг тонна сут, 31 миллион дона тухум, 1020 тонна жун, 3600 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 115 минг бошга, шу жумладан сигирларни 34,8 минг бошга, чўчқалар сонини 10 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 265 минг бошга, паррандалар сонини 370 минггага етказамиз. Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2.200 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 170 дона тухум оламиз. гўштга топшириладиган ҳар бош қорамол вазнини 410 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкиларни эса 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2500 бола, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 115 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз. Эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 150 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 500 центнер кўкпоя оламиз. 370 минг тонна силос бостирамиз, 300 минг тонна пичан, шу жумладан 200 минг тонна сенаж тўплаймиз. 10 минг тонна витаминли ўт уни ишлаб чиқарамиз. Ем-хашак тайёрлашда замонавий прогрессив технологияни жорий этамиз.

БУХОРО ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 32 центнер пахта ҳосили оламиз, 525 минг тонна пахта, шу жумладан 23 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб давлатга сотамиз.

80 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 70 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 260 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

3800 гектар янги ер очиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз, 8100 гектар ерни капитал текислаймиз, 27 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 100 минг тонна дон, шу жумладан 70 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 60 минг тонна сабзавот, 40 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 13 минг тонна ҳўл мева, 20 минг тонна узум, 31,3 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 57 минг тонна сут, 113 миллион дона тухум, 4500 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 20 минг тонна дон, 52 минг тонна сабзавот, 27 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 12 минг тонна ҳўл мева, 30 минг тонна узум, 29,6 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 51 минг тонна сут, 98 миллион дона тухум, 6200 тонна жун, 3000 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларидаги қорамолларни йил охирига бориб, 115 минг бошга, шу жумладан сигирларни 31 минг бошга, чўчқалар сонини 5 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 1610 минг бошга, паррандалар сонини 850 минггага етказамиз. Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 1900 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 190 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг вазнини 380 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкилар вазнини 45 килограммга етказамиз. Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 3000 та бола, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 110 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 120 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 300 центнер силосбоп кўкпоя оламиз. 230 минг тонна силос бостирамиз, 550 минг тонна пичан, шу жумладан 150 минг тонна сенаж, 14 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологиядан фойдаланамиз.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 24 центнер пахта ҳосили оламиз ва 300 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

120 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 120 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 225 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

9200 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз, 1000 гектар ерни капитал текислаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 300 минг тонна дон, шу жумладан 80 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 10 минг тонна картошка, 33 минг тонна сабзавот, 70 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 10 минг тонна ҳўл мева, 17 минг тонна узум, 18,9 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 30 минг тонна сут, 37 миллион дона тухум, 1650 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 120 минг тонна дон, 2 минг тонна картошка, 40 минг тонна сабзавот, 140 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 10 минг тонна ҳўл мева, 11 минг тонна узум, 20 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 24 минг тонна сут, 35 миллион дона тухум, 2400 тонна жун, 300 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 72,5 минг бошга, шу жумладан сигирлар сонини 19,5 минг бошга, чўчқалар сонини 50 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 540 минг бошга, паррандалар сонини эса 200 минггага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2200 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 190 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазнини 380 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкилар вазнини эса 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 80 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 3000 та бола, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 120 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлар етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 120 центнердан пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 300 центнер силосбоп кўкпоя етиштирамиз. 160 минг тонна силос бостирамиз. 400 минг тонна пичан, шу жумладан 130 минг тонна сенаж, 9 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияни жорий этамиз.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 30 центнер пахта ҳосили оламиз ва 440 минг тонна, шу жумладан 73 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб давлатга сотамиз.

80 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 95 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 240 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

26150 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 7050 гектар майдонни капитал текислаймиз, 4 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 350 минг тонна дон, шу жумладан 90 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 9 минг тонна картошка, 70 минг тонна сабзавот, 50 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 17 минг тонна ҳўл мева, 20 минг тонна узум, 23 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 52 минг тонна сут, 42 миллион дона тухум, 2850 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 160 минг тонна дон, 3 минг тонна картошка, 60 минг тонна сабзавот, 26 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 12 минг тонна ҳўл мева, 17,2 минг тонна узум, 24,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 44 минг тонна сут, 34 миллион дона тухум, 4 минг тонна жун, 11700 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 152,5 минг бошга, шу жумладан сигирларни 38 минг бошга, чўчқалар сонини 31 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини бир миллион бошга, паррандалар сонини 700 минггага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2 минг килограмм сут, ҳар бир товуқдан 140 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазнини 380 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкилар вазнини эса 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 80 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2300 та бола, ҳар юз бош қўй ва эчкидан 120 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 120 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 400 центнер силосбоп кўкпоя оламиз. 300 минг тонна силос бостирамиз. 650 минг тонна пичан шу жумладан 300 минг тонна сенаж, 16 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз.

Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияни жорий этамиз.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 33 центнер пахта ҳосили оламиз ва 440 минг тонна, шу жумладан 8 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб давлатга сотамиз.

84 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 62 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 270 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

2 минг 900 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 5100 гектар майдонни капитал текислаймиз. 7150 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 90 минг тонна дон, шу жумладан 7 минг тонна шоли, 65 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 10 минг тонна картошка, 73 минг тонна сабзавот, 20 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти 30 минг тонна ҳўл мева, 21 минг тонна узум, 16,6 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 53 минг тонна сут, 29 миллион дона тухум, 600 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 30 минг тонна дон, 5.5 минг тонна картошка, 75 минг тонна сабзавот, 19 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 25 минг тонна ҳўл мева, 20 минг тонна узум, 9 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 44 минг тонна сут, 20 миллион дона тухум, 900 тонна жун, 2540 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 94 минг бошга, шу жумладан сигирларни 29,2 минг бошга чўчқалар сонини 7 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 370 минг бошга, паррандалар сонини 370 минггага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2200 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 160 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бош қорамолнинг вазнини 400 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкиларни эса 45 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 90 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2300 та бола, ҳар юз бош қўй ва эчкидан 110 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 130 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 400 центнер силосбоп кўкпоя етиштирамиз. 300 минг тонна силос бостирамиз, 300 минг тонна пичан, шу жумладан 190 минг тонна сенаж, 10 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияларни жорий этамиз.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 32 центнердан пахта ҳосили оламиз ва 540 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

80 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 84 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 325 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

6190 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз, 7 минг гектар майдонни капитал текислаймиз, 1500 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 300 минг тонна дон, шу жумладан 110 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 32 минг тонна картошка, 180 минг тонна сабзавот, 31 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 55 минг тонна ҳўл мева, 120 минг тонна узум, 34.5 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 100 минг тонна сут, 66 миллион дона тухум, 2 минг тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 120 минг тонна дон, 15,5 минг тонна картошка, 185 минг тонна сабзавот, 23 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 34 минг тонна ҳўл мева, 80 минг тонна узум, 35 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 84 минг тонна сут, 57 миллион дона тухум, 3 минг тонна жун, 2650 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларидаги қорамолларни йил охирига бориб 212 минг бошга, шу жумладан сигирлар сонини 57,5 минг бошга, чўчқалар сонини 95 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 810 минг бошга, паррандалар сонини 680 минггага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 1900 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 155 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамол вазнини 380 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкилар вазнини 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2600 та бола, ҳар юз бош совлиқ ва эчкидан 125 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни яхшилаймиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 150 центнердан пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 350 центнер силосбоп кўкпоя оламиз. 410 минг тонна силос бостирамиз, 700 минг тонна пичан, шу жумладан 335 минг тонна сенаж, 14 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияларни жорий этамиз.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 34 центнердан пахта ҳосили оламиз ва давлатга 470 минг тонна, шу жумладан 175 минг тонна ингичка толали пахта етиштириб давлатга сотамиз.

65 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз. 50 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. 250 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

10240 гектар янги ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 9450 гектар майдонни капитал текислаймиз, 10450 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 160 минг тонна дон, шу жумладан 30 минг тонна шоли, 56 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 6 минг тонна картошка, 45 минг тонна сабзавот, 37 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 14 минг тонна ҳўл мева, 25,5 минг тонна узум, 18,4 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 47 минг тонна сут, 26 миллион дона тухум, 1400 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 65 минг тонна дон, шу жумладан 15 минг тонна шоли, 3,1 минг тонна картошка, 55 минг тонна сабзавот, 30 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 9 минг тонна ҳўл мева, 15,7 минг тонна узум, 19,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 37 минг тонна сут, 24 миллион дона тухум, 1850 тонна жун, 960 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 131 минг бошга, шу жумладан сигирлар сонини 32,2 минг бошга, чўчқалар сонини 21 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 605 минг бошга, паррандалар сонини 380 минггага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2000 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 160 та тухум оламиз. Гўштга топшириладиган ҳар бир қорамол вазнини 380 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкиларни 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2600 та бола, ҳар юз бош қўй ва эчкидан 120 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни кенг йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 150 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 400 центнердан силосбоп кўкпоя оламиз, 300 минг тонна силос бостирамиз 800 минг тонна пичан, шу жумладан 200 минг тонна сенаж, 15 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияни жорий қиламиз.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 25 центнер пахта ҳосили оламиз ва 360 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

144 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 127 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. 280 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз

6980 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 1100 гектар майдонни капитал текислаймиз, 10200 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз

Колхоз ва давлат хўжаликларида 130 минг тонна дон, шу жумладан 22 минг тонна шоли, 75 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 3,5 минг тонна картошка, 20 минг тонна сабзавот, 56 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 12 минг тонна ҳўл мева, 7,5 минг тонна узум, 7,5 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 42 минг тонна сут, 35 миллион дона тухум, 40 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 56 минг тонна дон, шу жумладан 14 минг тонна шоли, 600 тонна картошка, 28 минг тонна сабзавот, 110 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 10 минг тонна ҳўл мева, 8,5 минг тонна узум, 7,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 30 минг тонна сут, 25 миллион дона тухум, 380 тонна жун ,290 тонна пилла сотамиз

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 56 минг бошга, шу жумладан сигирларни 15,3 минг бошга, чўчқалар сонини 22 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 20 минг бошга, паррандалар сонини 220 минггага етказамиз

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2900 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 160 та тухум оламиз Гўштга топшириладиган ҳар бир қорамол вазнини 450 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкиларни 50 килограммга етказамиз

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2400 та бола, ҳар юз бош қўй ва эчкидан 100 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни яхши йўлга қўямиз, уларни яхши парвариш қиламиз эски бедапоянинг ҳар гектаридан 120 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 300 центнер силосбоп кўкпоя оламиз 190 минг тонна силос бостирамиз, 200 минг тонна пичан, шу жумладан 100 минг тонна сенаж, 9 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияни жорий қиламиз.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 33 центнердан пахта ҳосили оламиз, 430 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

110 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 98 минг гектардаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз, камида 340 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз.

4250 гектар янги ер очиб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз, 2100 гектар майдонни капитал текислаймиз, 4200 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 280 минг тонна дон, шу жумладан 64 минг тонна шоли, 117 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 91 минг тонна картошка, 370 минг тонна сабзавот, 70 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 78 минг тонна ҳўл мева, 62 минг тонна узум, 38 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 138 минг тонна сут, 240 миллион дона тухум, 1100 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 105 минг тонна дон, шу жумладан 35 минг тонна шоли, 56 минг тонна картошка, 400 минг тонна сабзавот, 80 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 80 минг тонна ҳўл мева, 65 минг тонна узум, 33 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 113 минг тонна сут, 215 миллион дона тухум, 1700 тонна жун, 1620 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 165 минг бошга, шу жумладан сигирларни 53,5 минг бошга, чўчқалар сонини 100 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 450 минг бошга, паррандаларни 1 660 000 тага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 3100 килограммдан сут, ҳар бир товуқдан 185 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазнини 400 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчкини 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 85 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2400 та бола, ҳар юз бош қўй ва эчкидан 100 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни яхши йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 150 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 350 центнер силосбоп кўкпоя оламиз. 500 минг тонна силос бостирамиз, 570 минг тонна пичан, шу жумладан 270 минг тонна сенаж, 20 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияларни жорий этамиз.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 31 центнер пахта ҳосили оламиз ва 585 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

42 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 70 минг гектар майдондаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз. Камида 295 минг тонна пахтани машиналарда териб оламиз.

2370 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 13 минг гектар ерни капитал текислаймиз, 6 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 120 минг тонна дон, шу жумладан 82 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 19,6 минг тонна картошка, 95 минг тонна сабзавот, 51 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти. 34,5 минг тонна ҳўл мева, 15 минг тонна узум, 20 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 75 минг тонна сут, 98 миллион дона тухум,500 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 30 минг тонна дон, 16 минг тонна картошка,115 минг тонна сабзавот, 30 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 20 минг тонна ҳўл мева, 18 минг тонна узум, 12,6 минг тонна (тирик вазнда) гўшт 63 минг тонна сут, 80 миллион дона тухум, 1000 тонна жун, 4.935 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 142 минг бошга, шу жумладан сигирларни 42,5 минг бошга, чўчқалар сонини 8 минг бошга, қўй ва эчкилар сонини 285 минг бошга, паррандалар сонини 720 минггага етказамиз.

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 2100 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 190 та тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазнини 420 килограммга, ҳар бир чўчқани 110 килограммга, қўй ва эчки вазнини эса 50 килограммга етказамиз.

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 87 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2300 та бола, ҳар юз бош қўй ва эчкидан 105 та қўзи ва улоқ оламиз.

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни яхши йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парвариш қиламиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 120 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 400 центнер силосбоп кўкпоя оламиз. 410 минг тонна силос бостирамиз, 350 минг тонна пичан шу жумладан 170 минг тонна сенаж, 13 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий технологияни жорий этамиз.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Гектаридан камида 40 центнер пахта ҳосили оламиз ва 410 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотамиз.

38 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экамиз, 16 минг гектардаги ғўзани механизмлар билан чеканка қиламиз Камида 250 минг тонна пахтани машиналар билан териб оламиз

6200 гектар янги ер ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. 5050 гектар майдонни текислаймиз, 11200 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаймиз.

Колхоз ва давлат хўжаликларида 130 минг тонна дон, шу жумладан 75 минг тонна шоли, 55 минг тонна маккажўхори ва оқжўхори дони, 3 минг тонна картошка, 37 минг тонна сабзавот, 46 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 5,5 минг тонна ҳўл мева, 2,2 минг тонна узум, 8,6 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 37 минг тонна сут, 42 миллион дона тухум, 25 тонна жун етиштирамиз.

Барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга 80 минг тонна дон, жумладан 62 минг тонна шоли, 500 тонна картошка, 25 минг тонна сабзавот, 30 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 3 минг тонна ҳўл мева, 2 минг тонна узум, 6,2 минг тонна (тирик вазнда) гўшт, 32 минг тонна сут, 41 миллион дона тухум, 410 тонна жун, 1640 тонна пилла сотамиз.

Жамоат хўжаликларида қорамолларни йил охирига бориб 112 минг бошга, шу жумладан сигирларни 26,5 минг бошга, чўчқалар сонини 7 минг бошга, паррандалар сонини 430 минггага етказамиз

Ўрта ҳисобда ҳар бир сигирдан 1900 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 155 дона тухум оламиз, гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазнини 380 килограммга, чўчқани 110 килограммга етказамиз

Подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаймиз, ҳар юз бош сигирдан 80 та бузоқ, ҳар юз бош она чўчқадан 2200 та бола оламиз

Аралаш, такрорий ва оралиқ ем-хашак экинлари етиштиришни яхши йўлга қўямиз, уларни яхшилаб парваришлаймиз, эски бедапояларнинг ҳар гектаридан 130 центнер пичан, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан камида 400 центнер силосбоп кўкпоя оламиз. 270 минг тонна силос бостирамиз 200 минг тонна пичан, шу жумладан 80 минг тонна сенаж, 8 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаймиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда замонавий прогрессив технологияни жорий этамиз.

* * *

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтириб айтадиларки, улар 1977 йил учун қабул қилинган мажбуриятларини бажаришда барча имкониятларини сафарбар этадилар, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича КПСС XXV съезди қарорларида белгилаб берилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб оладилар.

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ТОЗА

Олмалиқ кон-металлургия комбинати зонасида ер ости сувлари тозароқ бўлиб қолди. Бу ерда Тошкент университети ва Ўзбекистон гидрогеология илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг тавсиясига биноан сув тақсимлайдиган қудуқлар ўрнатилди. Бу қудуқлар саноат ишлаб чиқаришининг силқинди сувини ер тагидан чиқаради.

Университет гидрогеологлари эндиликда Ўрта Осиёдаги ер ости сувларини уларнинг булғаниш турларига қараб районлаштирмоқда. Қўшни республикалардан олинаётган маълумотларнинг ҳаммаси электрон-ҳисоблаш машинасида ишлаб чиқилмоқда. Олимлар ўнинчи беш йилликнинг охирига қадар Ўрта Осиё шароитларида ер ости сувларининг булғаниш хусусиятларини ўрганадилар, уларни ҳимоя қилиш юзасидан амалий тавсияларни тайёрлаб берадилар.

(ЎзТАГ).



ШОН-ШУҲРАТ ЙИЛНОМАСИ

Бепоён Ватанимиз жанубининг сергак посбони Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий Округи шонли Қуролли Кучларимиз сафида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг босиб ўтган жанговар шон-шуҳрат йўли бунинг ёрқин гувоҳидир. Ана шу жасорат солномасининг яратилиши бу жиҳатдан диққатга сазовордир.

Истеъфодаги полковник В. Д. Куракин, тарих фанлари кандидати, запасдаги полковник К. Ш. Зайнуллин, полковник В. С. Никитин, запасдаги полковник А. Я. Григорьев, тарих фанлари кандидати, истеъфодаги полковник П. Д. Рассказовдан иборат муаллифлар коллективининг узоқ изланиш ва тадқиқотлари маҳсули «Қизил Байроқли Туркистон Округи» китоби кенг ўқувчилар доираси эътиборини тортгани бежиз эмас.

Йирик илмий-тадқиқот ҳамда оммабоп асар характерига эга бўлган бу монографияда генерал-полковник С. Е. Белоножко раҳбарлигидаги таниқли саркардалар, округ қўмондонлиги штабининг офицер ва генераллардан иборат таҳрир ҳайъатининг ижодий меҳнати кўринади. Мазмунга мос нодир суратлар, ҳужжатлар билан безалган бу китоб беш бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири округ тарихининг маълум даврларини ўз ичига олади.

«Туркистон Қуролли Кучлари Совет ҳокимияти учун курашда» деб номланган биринчи боб хронологик жиҳатдан 1917—1920 йилларни қамраб олган, унда революциядан аввалги даврга ҳам қисқача изоҳ берилади.

Маълумки, 1918 йилда Совет Туркистонида қизил гвардиячилар отрядлари билан бир қаторда Қизил Армиянинг мунтазам қисмлари контрреволюцияга қарши курашар эдилар. Шу ўринда муаллифлар муҳим масалага ўқувчи эътиборини қаратадилар. «Чор маъмурлари ўз вақтида қуролни ишончсиз ва ҳарбий хизматга чақирмаган ва қўпгина туб маҳаллий миллат вакиллари Қизил Армия сафларига қўшилди». Бу билан муаллифлар Қизил Армиянинг эски армиядан асосий фарқини—синфий жиҳатдан туб ўзга хусусиятини таъкидлаб ўтадилар. Эски чор армияси қўшинлари масаласидаги ўхшашликларни, муаллифлар ёш Совет Туркистони ўз армиясини ташкил этиш борасида улардан моҳирона фойдаланганликларини эслатиб ўтадилар: «Эски армия қўшинларини бошқариш органи сифатида Туркистон ҳарбий округи штаби сақлаб қолинди. Округ штаби офицерлари ва генераллари пухта текширилгандан сўнг уларнинг кўпчилиги ўз вазифаларидан четлатилиб, армиядан бўшатилди».

Ҳудди шу жойга келганда китобхон Туркистон ҳарбий округи масаласида бир мулоҳазага боради. Чунки муаллифлар «Туркистон Ҳарбий Округи 1867 йилда ташкил этилган» деган изоҳ жумла билан чекланиб, чор Россияси Ўрта Осиёни қўшиб олгандан сўнг ташкил этилган Туркистон ҳарбий округи ҳақида тўхтаб ўтишмаган. Бу округ 1918 йил 4 майда В. И. Ленин имзо чеккан РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Декрети асосида ташкил этилган Туркистон Ҳарбий Округидан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш лозим эди. Россия империяси тождори император Александр II нинг фармонига кўра 1867 йилда Ўрта Осиёни ишғол этган қўшинлардан ташкил топган Туркистон ҳарбий округи чоризмнинг миллий мустамлака зулмини ўтказиш воситаси бўлган. У 1892—1898 йилги ўлка халқ ҳаракатларини шафқатсиз бостириб, биринчи рус революцияси қатнашчиларини қонга ботирган, Тошкент қалъаси қўзғолончи солдатларини, Туркистон саперларини отган, осган, 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони қатнашчиларини аёвсиз жазолаган. Ана шу томонлар муаллифлар эътиборидан четда қолган. Ҳолбуки, бу таққослаш Совет Туркистони ҳарбий округининг синфий хусусиятини, кенг омма ҳимоячиси сифатидаги ролини янада ёрқин ифода этган бўларди.

Биринчи бобдан В. И. Ленининг эски ҳарбий мутахассислардан фойдаланиш ҳақидаги оқилона кўрсатмаси асосида иш кўрилганлигини мисоллардан билса бўлади. Жумладан, Туркистон Ҳарбий Округи қисмларида фронт қўмондони сифатида чор армияси поручиги Б. Н. Иванов, Кушка қалъаси коменданти сифатида Совет ҳокимиятига чин юракдан хизмат қилган чор армияси генерал-лейтенанти, кейинчалик Туркистон қўмондонлик курслари (сўнгра эса В. И. Ленин номидаги Туркистон ҳарбий инструкторлар мактаби) биринчи бошлиғи А. П. Востросаблин фаолиятлари тилга олинади. Шу ўринда гарчанд китобда кўрсатилмаган бўлсада, ана шундай ҳарбий мутахассислар сафида бўлган чор армияси собиқ поручиги Б. М. Шапошниковни ҳам эслатиб ўтиш лозим эди. Бўлғуси таниқли саркардамиз, Совет Иттифоқи Маршали Б. М. Шапошников ҳам офицерлик хизматини Туркистонда ўтказиб, (1904—1906, 1914—1916 йиллар) биринчилар қаторида Советлар томонига ўтган собиқ чор офицерларидан ҳисобланади.

ТАҚРИЗ

Дастлабки бобда Туркистон фронтидаги барча стратегик ҳамда тактик операциялар бой материал асосида атрофлича таҳлил этилади. Ички контрреволюция ва чет эл интервентларига қарши Қизил Армия қисмларининг қаҳрамонона кураши ва ғалабасининг омиллари маҳорат билан баён қилинади.

«Октябрь ғалабаларини ҳимоя этиб» деб аталган иккинчи бобда эса, босмачиларга қарши кураш, Туркистон фронтининг округга айлантирилиши ва унинг қўшинлари жанговар тайёргарлигидаги янги давр — 1921—1941 йиллар тадқиқ қилинади.

Туркистон фронти аскарлари, командирлари, сиёсий ходимларининг маҳаллий совет органларини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида деҳқонларга дала ишларида кўмаклашиб, шанбаликлар уюштириши — ҳуллас халқ билан бирлигининг ёрқин намойиши бу бобда салмоқли ўрин эгалайди. Кўршермат, Раҳмонқул, Иброҳим, Жунаид каби кўр бошилар бошлиқ босмачи қолдиқларини батамом тугатишдек муҳим вазифада ана шу бирликнинг қудратли кучи ҳаққоний кўрсатилади. 1922 йилда империалистлар мададига таяниб ҳужум бошлаган Анвар пошшо авантюрасининг барбоди сабаби ҳам ишончли тарзда изоҳланади.

Иккинчи бобда Ўрта Осиё ҳарбий округи жангчиларининг 1938 йилда Хасанкўлда, 1939 йилда Халхин-Гол дарёсидаги жангларда, 1939—1940 йилларидаги фин урушида кўрсатган жасоратлари ҳам блён қилинган. Ўрта Осиё ҳарбий округидаги ўқчи, отлиқ, механизациялаштирилган корпуслар, тог ўқчи, отлиқ, моторлаштирилган, танк дивизиялари жанговар ва сиёсий тайёргарлигини оширишга оид партия ва ҳукуматимиз амалга оширган тадбирлар кенг ёритилган. Ўша йиллар мобайнида ҳарбий истеъдоди камол топган саркардалар фаолияти ҳам қаламга олинган.

Китобда оғир синов йиллари — 1941—1945 йилларгаги Улуғ Ватан уруши воқеаларига асосий ўрин берилган. Бу воқеалар учинчи бобда мукаммал кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида Ўрта Осиё ҳарбий округи территориясида қўшинларни фронтга жўнатиш, янгиларини тайёрлашга оид улкан ишлар кенг қулоч ёйди. Ўрта Осиё ҳарбий округи солдат, офицер ва генераллари фронтда ажойиб мардлик намуналарини кўрсатишди. В. И. Ленин номидаги Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий мактаби бошлиғи, ҳарбий комиссари генерал-майор И. Е. Петров Одесса ҳимоясида саркардалик маҳоратини, оддий аскар Қўчқор Турдиев жасорат намунасини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига биринчилар қаторида сазовор бўлишди. Шу Ўрта Осиё округида шаклланган 316-ўқчи дивизияси ва унинг командири И. В. Панфилов Москва мудофаасидаги жасорат солномасига мангу зафар сатрини ёзишди. Сталинград, Курск жангларида, Европадаги йирик операцияларда ўз қобилиятларини намойиш этган Собир Раҳимов, Муллажон Узоқов, Файзулла Норхўжаев каби ўзбек офицерлар корпуси вакиллари фаолияти ҳам бу бобда қисқача ўз аксини топган.

Муаллифлар мамлакатимиз ҳарбий экономикасида Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистоннинг ўйнаган ролига катта баҳо берадилар. Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалаба заминида ўзбек халқининг ҳам фидокорона меҳнати ётганлигини таъкидлаб ўтадилар.

Тўртинчи боб «Урушдан кейинги даврда (1945—1969 йиллар)» деб аталади. Унда уруш йилларида етишиб чиққан офицер кадрлар сафига кўплаб маҳаллий миллат вакиллари қўшилгани алоҳида кўрсатилади. Жанговар тажрибаларни илмий умумлаштириш ва уни янги давр шароитига мослаб татбиқ этишга оид ўқув, машқлар, изланишлар баён қилинади. Тинч жанговар меҳнат лавҳалари берилади.

«Ватанимиз жанубий чегараларидаги жанговар форпост (1969—1976 йиллар)» деб номланган бешинчи бобда эса бу лавҳалар янада ёрқин акс этади. Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий Округининг ҳозирги фаолиятининг муҳим хусусиятлари ёритилади. Партиямиз XXV съездининг мамлакатимиз мудофаасига оид тарихий қарорларини ўз фаолият мезони қилиб олган округ шахсий составининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигига оид фактлар келтирилади.

Чуқур билим, пухта материал ва истеъдод билан ёзилган ушбу китоб, шубҳасиз, муаллифлар коллективининг катта ютуғидир. Туркистон Ҳарбий Округи тарихи бу китобда биринчи бор ўз аксини топган. Лекин жанговар округ тарихи ҳали яна неча-неча асарлар мазмунини ташкил этишга лойиқдир. Яна қанча-қанча эслатилмаган жасорат саҳифалари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ноъмалум қаҳрамонларимиз қиссаси округ солномасидан жой олишга ҳақли. Марказий телевидение орқали уюштирилаётган «Солдат меъморлари» кўрсатувлари, олимларимизнинг янги тадқиқотлари, ёзувчи ва журналистларимиз топаётган қаҳрамонлар, улар тиклашаётган мардлик мангулик лавҳалари фикримизнинг далилидир.

СССР Мудофаа министрлиги Ҳарбий нашриёти округлар тарихини нашрдан чиқариш борасида яхши ишлар қилмоқда. Ана шу жараёнда бу катта ва масъул вазифага кенг жамоатчилик доираси жалб этилса, муаллифлар коллективи янада кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

С. МУСАЕВ,
запасдаги офицер.

Х. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

1. Қизил Байроқли Туркистон Округи. Авторлар коллективи. СССР Мудофаа министрлиги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ҳарбий нашриёти, Москва, 1976.

Айдарбек Кўшкинбоев 20 йилдан бери чўпонлик қилиб келади. У ўтган йили Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз чўпонларининг сардори сифатида ҳар 100 бош совлиқдан 122 та қўзи ва ҳар бош қўйдан 3,8 килограммдан жун қирқиб олди. Унинг кўп йиллик фидокорона меҳнати қўш Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Тажрибали чўпон бу йил иккилобининг 60 йиллиги шарафига ҳар 100 бош совлиқдан 125 та қўзи ва 4 килограммдан ошириб жун қирқиб олишга аҳд қилди.

И. Портнов фотоси.

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

Пискент районидаги хўжаликларида ўн олти сиёсий докладчи, 179 сиёсий ахборотчи, 369 агитатор, 529 сиёсий ташкилотчи ва кўплаб штатсиз лекторлар катта оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқдалар. Улар ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида суҳбат ва лекциялар ўтказмоқдалар.

Қарор асосида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни янада жонлантириш соҳасидаги вазифалар яқинда район агитация кадрлари кенгашида муҳокама қилинди. Докладчи район партия комитетининг секретари З. Деққонбоева, музокарада иштирок этган район маданият бўлими мудири М. Мирхалилов, Охунбобоев номли колхоз пропагандисти И. Эргашев, 1-«Пискент» совхози сиёсий ахборотчиси З. Рашидов ва бошқалар Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бажарилаётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари агитация кадрлари фаолиятини янада кучайтиришга ёрдам берувчи тавсиянома қабул қилдилар.

Т. ҚОСИМОВ.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК!

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ «МАДАНИЯТ» КОЛХОЗИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Колхоз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида мева, сабзавот, картошка ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришга эришдилар.

Ўтган йили сабзавот, мева, узум, ғалла ва пилла етиштириш бўйича социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилди. Ҳар гектар ердан 220 центнердан сабзавот, 170 центнердан мева, 129 центнердан картошка ҳосили олинди. Ҳар бош соғин сигирдан 2501 килограммдан сут соғилди. Гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача оғирлиги 380 килограмма етди. Хўжаликнинг ўзида етиштирилган ширали озуқа ва ем-хашаклар билан қиш мавсумида чорвани эҳтиёжга мувофиқ тўла таъминлаш тадбирлари амалга оширилди.

Коммунистлар, комсомоллар, барча колхозчилар бутун совет кишилари сингари КПСС Марказий Комитетининг Мактуби, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини катта меҳнат кўтаринкилиги ва сиёсий активлик билан кутиб олдилар.

Бу муҳим ҳужжатларни кенг муҳокама қилиш жараёнида колхозчилар эришилган натижаларни таниқидий нуқтаи-назаридан таҳлил этдилар, ишлаб чиқариш резервларидан унумдорлик билан фойдаланиш, самарадорлик ва иш сифатини ошириш масаласига катта эътибор бердилар. Хўжаликнинг ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили учун конкрет марралар белгилаб олдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва сотишни анча кўпайтириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

1977 йилда колхоз меҳнаткашлари ҳар гектар ердан 251 центнердан сабзавот олишга аҳд қилдилар. Бу 1976 йилга нисбатан 31 центнердан кўпдир. Шунингдек, гектаридан 170 центнердан картошка ёки ўтган йилдагидан 41 центнер кўп ҳосил олинади. Шу асосда кам деганда 11 минг тонна яъни ўтган йилдагидан 18 процент кўп сабзавот, 2,4 минг тонна ёки ўтган йилдагидан 85 процент кўп картошка етиштирилиши таъмин этилади.

Чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ҳам юксак мажбуриятлар қабул қилинди. Умумий тўдадаги қорамоллар сонига нисбатан сигирлар салмоғи 52 процентга етказилади. Ҳар бир соғин сигирдан кам деганда 2900 килограммдан сут соғиб олинади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 399 килограмм кўпдир. Ҳаммаси бўлиб 850 тонна сут соғиб олинади. Гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача оғирлигини 410 килограммга етказамиз. Бу ўтган йилдагига нисбатан 30 килограмм кўпдир.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаган ҳолда ҳар гектар ердан 145 центнердан беда пичани, 450 центнердан силос массаси, 550 центнердай илдиз мева олишга, икки минг тонна хашак тайёрлаш, шу жумладан 1,5 минг тонна сенаж, 2,2 минг тонна силос бостиришга, 700 тонна илдиз мева етиштириш, 50 тонна ўт уни тайёрлаш мажбуриятини олди. Юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун деҳқончилик маданиятини ошириш, меҳнат, моддий-техника ресурсларидан самарадорлик билан фойдаланиш, колхозчилар меҳнатини ташкил этиш ва ҳақ тўлашни такомиллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти, мутахассислар КПСС Марказий Комитетининг Октябрь (1976 йил) Пленуми ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқидаги қоида ва хулосалардан келиб чиқиб, ўтган йил якунларини таҳлил этиб, 1977 йилда юқори ҳосил олиш тадбирларини белгилаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар. Бу тадбирларда Улуғ Октябрь шарафига олинган юксак социалистик мажбурият, яъни мева, сабзавот, картошка, гўшт ва сут етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планларини ҳамда мажбуриятни муваффақиятли бажариш кўзда тутилган, шунингдек деҳқончилик маданиятини ошириш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғор хўжаликларнинг тажрибаларини жорий қилиш масаласи бўйича ҳам комплекс агротехника тадбирлари амалга оширилади. Колхозчилар ўртасида олиб борилаётган барча ташкилий ва сиёсий ишлар қуйидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришгига қаратилади:

— барча маркадаги трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари ремонти 1977 йил 1 февралгача тугалланди;

— 1 мартга қадар 36 гектар майдонда капитал тикислаш ишлари амалга оширилади;

— экиш бошлангунга қадар 142 гектар майдонда ортиқча йўллар, суғориш тармоқлари, карта четлари ва бурчакларини текислаш, ҳайдаш ҳисобига карталар йириклаштирилади. Бу тадбир сабзавот ва картошка етиштиришда меҳнат жараёнларини кенг механизациялаштириш имконини беради.

— 21 гектар майдонда 1 февралга қадар уватлар, эски ариқлар текисланди ва шу асосда суғориладиган ерларда тўла гектарлар таъминланди;

— 48 километр масофада коллектор-зовур тармоқларини тозалаш бўйича ишлар амалга оширилади. Бунда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки коллектор-зовурлардан қазиб олинган тупроқ қоришмалари органик ўғит сифатида фойдаланилади;

— 15 февралга қадар хўжаликнинг ўзидаги 32 километр узунликдаги суғориш ариқларини тозалаш ишлари тугалланади. Бу ишни бажаришда учта экскаватор, иккита ер кавлайдиган механизм ва керакли миқдорда ишчи кучлари ажратилади. Бу ишнинг асосий қисми механизация воситасида бажарилади;

— суғориладиган ерларни сув билан таъмин этишни яхшилаш мақсадида 10 февралга қадар олтита насос қурилмаси ремонтдан чиқарилиб қўйилди ва 1 апрелга қадар қўшимча равишда учта насос агрегати ўрнатилади. Бу 150 гектар майдонда суғоришни яхшилаш имконини беради;

— маҳаллий ўғит тайёрлаш давом эттирилади ва 1977 йил ҳосили учун 120 гектар майдонга 3,6 минг тонна органик ўғит компост қилиб солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар гектар ерга 30 тоннадан гўнг солинади. Келгуси йилда ишлатиш учун 5 минг тонна маҳаллий ўғит компост қилиб қўйилади;

— сабзавот экиладиган 460 гектар ва картошка экиладиган 160 гектар майдон кўп йиллик ўт илдизларидан тозаланади;

— эртаки карам учун 3,5 миллион дона кўчат ва 6,5 миллион дона помидор кўчати тайёрланади. Карам ва помидор кўчатлари энг яхши агротехника муддатларида фақат механизмлар ёрдамида экиб олинади. Бунинг учун ерни ўз вақтида ва сифатли тайёрлашга эътибор берилади;

— эрта муддатларда карам ва помидор етиштириш учун бир миллион донадан ортиқ кўчат тувакчаларда тайёрланади;

— бир йиллик бегона ўтларни қуритиш мақсадида 510 гектар сабзавот ва картошка экиладиган майдонлар гербицид билан ишланади. Бу барча экин майдонининг 82 процентини ташкил қилади. 460 гектар сабзавот ва картошка экини биринчи цикл парвариш даврида чуқур культивация қилинади. 160 гектар майдондаги картошка ниҳоллар кўзга ташланмасдан олдин ва ниҳоллар кўзга ташлангач сеткали бороналар билан икки томонлама борона қилинади. Ўсиш даврида кам деганда сабзавот экинлари беш марта, эртаки картошка уч марта ва кечки картошка олти марта культивация қилинади.

Далаларга «сифат белгиси» бериш учун бригадалар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этамиз.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши бутун вегитация даврида бегона ўтларни йўқотиш ва картошка сабзавот экинлари парваришини сифатли ўтказиш имконини беради. Боғларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 1 мартга қадар дарахтларни бута, қўшимча мева кўчатлари ўтқазиш ва зараркунандаларга қарши дорилаш ишларини амалга оширамиз. 10 гектар майдонда эски кам ҳосилли боғларни реконструкция қилиб, эрта ҳосилга кирадиган мева навлари билан алмаштирамиз. Беш гектар узумзорда ҳам шундай тадбирни ўтказамиз. Шундай қилиб 1977—80 йиллар давомида 30 гектар боғ ва 12 гектар токзорларни янгилашга эришамиз. 100 гектар майдондаги эски бедазорларнинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кўзда ҳар гектар ҳисобига 350 килограммдан аммофос солинган эди. Эрта кўкламда эса фитономусга қарши бу бедазорларни кимёвий препаратлар билан дорилаймиз ва бир йўла бороналаймиз. 50 гектар майдонда бедани қалин қилиб экамиз. Бир йилда бедани кам деганда беш марта ўриб оламиз, ҳар ўримдан сўнг гектарига 100 килограммдан селитра соламиз ва етти марта суғарамиз. 10 апрелга қадар 40 гектар майдонга дон учун маккажўхори экишни тугаллаймиз ва 60 гектар майдонга силос учун маккажўхорининг «ВИР-338 ТВ» ва «Узбекская зубовидная» сингари юқори ҳосилли навларини экамиз. Маккажўхори экиш учун ажратилган майдонларнинг ҳар гектарига 20 тоннадан органни ўғит соламиз. Ерни экишдан олдин чизеллаймиз, борона қиламиз, мола бостирамиз. Аниқ уруғ ташлайдиган сеялка ёрдамида экамиз. Ўсиш даврида ҳар уяда битта-иккитадан кўчат қолдириб, беш марта культивация қиламиз. Олти-саккиз марта суғорилади. Минерал ўғитлар билан икки марта озиқлантирилади. Ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дон ҳосили оламиз.

Етиштирилган барча ем-хашак, экинлар ҳосилини фақат механизмлар ёрдамида йиғиб оламиз. Ноқулай ерлар — ариқ-зовурлар, суғориш шоҳобчалари бўйларига, тут дарахтлари қатор оралиги ҳисобига кам деганда 20 гектар ерга қовоқ экамиз. Бу тадбир сентябрь-ноябрь ойларда чорвани ширали озуқа билан таъмин этиш имконини беради.

Ички хўжалик ихтисослаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини концентрациялашни малакали йўлга қўйиш тадбирлари амалга оширилади. Ана шу мақсадда 15 та далачилик бригадаси ва 10 та картошка етиштирадиган механизациялаштирилган звенолар ташкил этилади, улар хўжалик ҳисоби асосида иш олиб борадилар. Бу бригада ва звеноларга ер майдонлари, зарур техника ажратиб берилган, улар керакли уруғлик, минерал ўғит, гербицид ва бошқа воситалар билан таъмин этилади.

Шу кунларда барча бўғинлардаги кадрлар ўқуви, механизаторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Тўртта мактабдаги ўқувчиларнинг ҳунар эгаллашга иштиёқини оширишда педагогик коллективларга ёрдам бериш мақсадида колхоз территориясига жойлашган тўртта ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ишини давом эттирамиз.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти, касаба союз ва комсомол ташкилоти барча дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришга эришиш учун колхозчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдиришга қаратилган барча зарур тадбирларни амалга оширади.

Ушбу тадбир колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ХАРИДОРЛАР СУҲБАТ ДАВРАСИ

Йиғилиш даврасига анча гавжум. Унинг иштирокчилари орасида «Ташсельмаш» заводи ишчилари, Тошкент медицина институти талабалари, биринчи ун комбинатининг ходимлари бор. Ҳаридорлар суҳбат даврасига деб аталган бу йиғилишни ҳар галгидек магазин мудири Каххор Жўраев очди.

У йиғилганларга январь ойи ичида товар оборати плани, пландаги 178 минг сўм ўрнига 181 минг сўм қилиб бажарилганлигини маълум қилар экан, бунда мулоҳазалар ва таклифлар дафтарида харидорлар С. Игнатьева, Н. Юрченко, В. Соловьевалар қайд этган илтимослар муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлади. Улардан бирида сменалар аро танаффус вақтида «Ташсельмаш» заводида қўчма савдо уюштириш сўралганди. Магазин коллективи бу илтимосни бажарди. Натижада ишчилар учун хизмат кўрсатишнинг яна бир қулай формаси вужудга келди.

Сабзавот маҳсулотларини бир жойнинг ўзида эмас, балки аҳоли яшайдиган пунктга яқин икки-уч жойда сотиш тўғрисидаги таклиф ҳам қондирилди.

Бу галги учрашувда харидорлар ўз илтимослари амалга ошаётганлигидан мамнунликларини билдиришди. Айниқса улар Р. Муродхонов, А. Вахобов, Ў. Қосимов, Р. Муҳиддинов, М. Бахромова сингари савдо ходимларининг ишидан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Биз ҳикоя қилаётган 8-магазин коллективи пландан ташқари 57 минг сўмлик хизмат кўрсатиб ўтган йили социалистик мусобақада ғолиб чиққан ва Ҳамза райони озиқ-овқат савдосининг ёрлиғини қўлга киритган эди.

Савдо ходимлари бу йил ҳам ишни муваффақиятли бошлашди. Магазинда деярли барча бўлимнинг иши ўз-ўзига хизмат кўрсатиш асосида ташкил этилди. Бу ерда 23 нафар ходим харидорларга кўрсатиладиган хизмат даражасини янада ошириш учун курашмоқда.

Ю. ҚУЧҚОРОВ.



ТОШКЕНТ Давлат университети факультетларида олиб борилаётган машғулотлар доим қизиқарли ўтади. Физика факультети студентлари ҳам таниқли профессор ва тажрибали ўқитувчилар раҳбарлигида фан асосларини чуқур ўрганмоқдалар. Бу студентлар орасида ижодкор ёшлар кўп. Суратда: студентлардан Ҳ. Ёқубова билан А. Жўраевлар лабораторияда амалий иш устида.

А. Авазов ва С. Метелица фотоси. (ЎзТАГ).

Дунё овози

Чет эл хабарлари

ҚУДРАТЛИ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛ

ВУППЕРТАЛЬ. Фридрих Энгельс номидаги марказ Вуппертальда назарий конференция ўтказди. Бу марказ Германия Федератив Республикасида марксизм-ленинизм адабиётини тарғиб этувчи жамоат ташкилотидир. Бу конференция В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак?» деган гениал асари нашр этилган куннинг 75 йиллигига бағишланди. Конференция ишида Германия Компартиясининг Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасидаги ташкилоти активлари, бу райондаги саноат марказларининг ишчилари, зиёлиларининг вакиллари, студентлар ва ўқувчилар қатнашди.

(ТАСС).

ЖИПСЛАШИШГА ДАЪВАТ

БАҒДОД. Ироқ Компартиясининг марказий органи «Тариқ Аш-Шааб» газетаси Ироқ халқининг прогрессив галабаларига қарши империализм ва реакция томонидан қилинаётган фитналарга зарба бериш учун миллий кучларни тобора жипслаштиришга ва хушёрликни оширишга даъват этади.

Араб Шарқида, деб ёзади газета, империализм, сионизм ва реакция билан қатъий кураш олиб бориб, халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилаётган араб миллий-озодлик ҳаракати отрядларига қарши империалистларнинг кирдикорлари кучайиб бормоқда.

Жиноятчи сотқин унсурлар 5 ва 6 февралда Кербела ва Нежефдаги диндор кишиларни галамислик мақсадида ҳукуматга қарши чиқишга ундаган эдилар. Кейинги кунлардаги воқеалар, дейилади мақолада, чет элдардаги империалист ҳўжайинлар билан боғланган баъзи доираларнинг иғвогарлик ва қўпорувчилик фаолиятини фош қилиб ташлайди.

(ТАСС).

АФРИКА МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

ЛАГОС, 14 февраль. (ТАСС). Африка негр санъати ва маданиятига бағишланган иккинчи жаҳон фестивали бу ерда ўз ишини тамомлади. Бу фестивалда Африканинг ҳамма қисмидан 15 мингдан зиёд киши ва 70 мамлакатдан 35 мингга яқин меҳмон иштирок этди.

Фестивалнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда Африка санъатининг анъанавий формалари билан бир қаторда қитъа халқлари учун янгилик бўлган театр санъати ҳам кенг намойиш қилинди. Африкадаги замонавий драматурглар асарлари асосида саҳнага қўйилган спектакларда Африка халқларининг тарихий ўтмиши, уларнинг чет эллик босқинчиларга қарши олиб борган кураши йилномаси ўз ифодасини топди.

«Африка маданияти ва маорифи» шиори остида ўтказилган халқаро семинар фестивалнинг асосий мавзуи бўлди. Семинарда Африканинг деярли ҳамма мамлакатларидан келган 700 га яқин таниқли олим, адабиёт ва санъат арбоблари, артистлар қатнашди. Улар якунловчи ҳужжат — «Лагос программаси»ни қабул қилдилар. Семинар қатнашчилари бу ҳужжатда барча мазлум халқларни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан тўла озод қилишга эришиш учун, озод бўлган давлатларга империалистик Ғарб томонидан мажбуран қабул қилдирилаётган «бегона форма ва ғоялар»га қарши курашда турли табақаларга мансуб кишиларнинг бемаслаҳат ҳаракат қилишлари зарур эканлигини якдиллик билан изҳор қилдилар.

ЎЗБОШИМЧАЛИК ҚУРБОНЛАРИ

ВЕНА, 14 февраль. (ТАСС). Австриянинг Санкт-пельтен шаҳридаги тикувчилик фабрикасида ишловчи хотин-қизлар тиркчилик воситаларидан маҳрум бўлиб қолди. Ўз маҳсулотини сотишда қийинчиликни бошидан кечираётган корхона эгаси барча ходимларни олдиндан огоҳлантирмай ишдан бўшатди ва ўз фирмаси банкротга учрағанлигини эълон қилди. У ишчи аёлларга икки ойлик иш ҳақини тўламади. Булар орасида кекса ёлғиз аёллар кўп.

К. ВАЛЬДХАЙМ САФАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари К. Вальдхаймнинг Яқин Шарққа қилган сафари тамом бўлди. У Миср Араб Республикаси, Иордания, Сурия, Ливан ва Исроилда бўлиб, Яқин Шарқ проблемаси юзасидан шу мамлакатларнинг ҳукуматлари билан маслаҳатлашди. К. Вальдхайм Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Комитетининг раиси Я. Арафат билан учрашди ва Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференцияси ишида Фаластин Озодлик Ташкилоти вакилларининг иштироки тўғрисидаги масалани у билан муҳокама қилди.

К. Вальдхайм БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ, Яқин Шарққа сафар қилган эди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● БЕРЛИН. «Нойес Дойчланд» газетаси қуйидагиларни ёзади: Чилида сиёсий террор ҳукмронлик қилмоқда ва шу билан бирга халқ тобора қашшоқлашиб бормоқда. Бу мамлакатда чет эл монополиялари ва йирик маҳаллий буржуазия ҳукмронлик қилмоқда. Пиночет қўл остидаги фашист хунта давлат секторидаги неча юзлаб корхоналарни улар ихтиёрига топшириб қўйди.

Бунинг натижасида меҳнаткашларнинг аҳволи жуда ҳам оғирлашиб кетди: кўплаб заводлар ёпилди, экономиканинг талайгина тармоқлари ўз ишини тўхтатди, маҳсулот ишлаб чиқариш қисқариб бормоқда, ишсизлик авж олиб кетди, ишчиларни эксплуатация қилиш кучайди. Улар барча касаба союз ҳуқуқлари ва эркинликлардан маҳрум этилди. Миллионларча кишилар оч ва қашшоқ ҳаёт кечирмоқдалар.

● СОФИЯ. Болгария Фанлар академиясининг кутубхонаси ташкил этилганлигига 107 йил бўлди. Кутубхонада бир миллион 200 минг том китоб бор. Кутубхона 1976 йилнинг ўзидагина олган китоблар сони 1944 йилгача унинг фондида бўлган китоблар миқдорига баравар бўлди.

Ҳозирги вақтда Болгарияда 600 илмий кутубхона бор. Ҳар йили 540 минг китобхон шу кутубхоналардан фойдаланмоқда.

● ВЕНА. Австрияда шу йилнинг январь ойида ишсизлар сони 87 минг нафар кўпайди. Бу ўтган йилнинг декабрь ойидагига нисбатан қарийб 20 минг нафар кўп.

● ЖЕНЕВА. Бу ерда сунъий йўлдош ёрдамида ишлайдиган телевизион эшиттиришга бағишланган жаҳон маъмурий конференцияси ўз ишини тамомлади. Бу конференцияни халқаро электр алоқаси иттифоқи уюштирди. Сунъий йўлдошлар ёрдамида бевосита телевизион эшиттиришнинг техникавий асосларини биринчи марта ишлаб чиққан ана шу жаҳон анжуманида 111 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқининг вакиллари қатнашди.

● КАРОЧИ. Покистон геологлари Саиндак шаҳри яқинида (Балужистон вилояти) катта мис рудаси конларини топдилар. Бу руданинг таркибида олтин ва бошқа қимматли металлар кўп.

(ТАСС, 14 февраль).



Бахт баҳори. Л. Аракелян фотоэтюди.

Янги шеърлар

Маргар МАРГАРЯН

МУБОРАКБОД

Қурултой тонгида, дўстлар, муборакбод этай сизни,
Зафар қучган йилимиз завқи бирла шод этай сизни.
Ажойиб қудратин кўрсатди элга қўли олтинлар,
Жавоҳир тоғларидан янги элобод этай, сизни.
Съездлар йили янглиғ бўлғуси қутлуғ янги йил ҳам,
Мурод соҳилларига чорлабон имдод этай сизни.
Қурултой минбаридан янги хирмон қоясин кўрдим,
Оларкан бўса Зуҳродан қучиб дилшод этай сизни.
Зарафшон ҳимматингизни кўриб лол қолди ҳотамлар
Чеварлар-турсунойлар, қомати шамшод этай сизни.
Ширинсойлар яратиб, сувга сероб айлаган ерни,
Замон Ширинларига тенги йўқ Фарҳод этай сизни.
Кулиб Жиззахни дашти боғу-бўстонлар аро яшнар,
Баҳодир чўлқувварлар паҳлавон бунёд этай сизни.
Эгатларда сузиб зангори кема дурга-дур қўшғай
Бу йил ҳам марди-майдонларга зўр устод этай сизни.
Улуғвор режаларга чўнг зафарлар ёр бўлсин деб,
Улуғ Октябрни олтмиш йиллигида ёд этай Сизни.

Ҳ. ҲОМИДИЙ.

ҚАНДИНГНИ УР, МАРД ПАХТАКОР

Гул юзинг нурга бурниб, қандингни ур, мард пахтакор,
Ёғдан олтин ундириб, қандингни ур, мард пахтакор.
Пахтазорда тер тўкиб, аввал баҳордан кузгача,
Меҳнатинг завқин суриб, қандингни ур, мард пахтакор.
Офарин дер, сув тараб юрсанг оқ ойдин кечалар,
Ой ҳам орқангдан юриб, қандингни ур, мард пахтакор.
Кундузи сочғай қуёш нурин чаноқлар қўйнига,
Тоза дурлар тўлдириб, қандингни ур, мард пахтакор.
Мўлу-кўл ҳосил етиштиргил «оқ олтин»дан ҳар йил,
Толеингни кулдириб, қандингни ур, мард пахтакор.
Уста деҳқон, тоза виждон, сен билан обод жаҳон,
Бахтиёр жавлон уриб, қандингни ур, мард пахтакор.
Камтарингнинг шодлиги сиғмайди оламга бутун,
Бахту-иқболинг қўриб, қандингни ур, мард пахтакор.

КАМТАР.

ЛИРИК МИСРАЛАР

* * *

Унинг учун бир гўзал оқшом
Муҳаббатдан куйладим бирам.
Тўшаб чиқди боғ узра оқшом
Эртакларда тўқилмиш гилам...
Боғим узра қўнди сўнг кузак.
Емғир ёғди юрагим узра.
Қолди фақат у кундан эртак,
Емғир, ёмғир
Тилагим узра.

* * *

Қуюқлашди негадир туман,
Қор ёғади чоғи кечқурун.
Кўчамиздан ўтди бир отлиқ,
Эслатди у отамни бу кун.
Тамаки тутинига тўлсин майли уй,
Ўтинаман, меҳмон қил, опа.
Болаликдаги каби
Нон бурдаси ва чой қошида
Ўлтирайлик бир дам, бир дафъа.

* * *

Йил охирлаб
Айланар етукликка.
Етуклиги билан буюкдир инсон.
Ва лекин тугамас
Инсон босган йўл,
Кенглик уфқи
Ҳеч қачон.

Э. Муҳамедов таржимаси.

ОЛОВ ЁНИДА

Ташқарида шамол увиллаб турса,
Ичкарида олов гувиллаб турса,
Бир хилга ўхшайди қўшиғи.
Аслида бир хилмас.
Қақшатар бирининг совуғи,
Йайратар бирининг иссиғи.
Мен эсам қақшамай,
Тинглаб иккисин,
Оловга бағримни берганча яйраб,
Ўлтираман уйда ширин ҳаёллардан,
Ҳислардан ичиб.
Елғизман.
Елғизлик сезилмас аммо.
Ҳаёлимда ҳозир энг сара, доно
Бир дўстим мен билан суҳбат қурмоқда.
Менга ўхшаб у ҳам
Оловнинг гаштини сурмоқда.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

15 ФЕВРАЛЬ КУНДУЗ СОАТ 3 ДА


Тошкент область Янгийўл районидаги «Ленинизм» номли колхоз дала меҳнаткашлари, пахтазор миришкорлари, меҳнат илғорлари билан санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ-КОНЦЕРТИНИ ЎТКАЗАДИ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳабибахон ОХУНОВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Гулшод ОТАБОЕВА, Гулсара ЕҚУБОВА, Вилоят ОҚИЛОВА; солистлар: Шералн ЖУРАЕВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ғулом ЕҚУБОВ, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА ва бошқалар.

Программани Уткир СИДДИҚОВ олиб боради. Концертга танлифнома билан кирилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЯНГИ ПРОГРАММА

«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ
АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ НАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР домно манежда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «Ўзбекистон йигитлари» коллективи иштирок этади.

Томошалар ҳар куни 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАЙДИ.
Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91; 44-39-84.

СССР Йўллар министрлиги
МЕТРОПОЛИТЕНЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ
ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ
ТЕХНИКА МАКТАБИ БАЗАСИДА
1 МАРТДАН БОШЛАБ
ЙЎЛ МОНТЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН
КУРСЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.

КУРСЛАРГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқиш давомида ҳар ойда 69 сўм стипендия берилади.
Ўқиш муддати — 3 ойдан 6 ойгача.
Ўқишни тугатганлар Тошкент метрополитенида ишлайдилар ва темирйўлчиларга бериладиган барча имтиёзлардан, жумладан СССР темир йўлларида бир йилда бир марта ва метрополитенда бепул юриш имкониятларидан фойдаланадилар.
ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА, ОИЛАЛИКЛАРГА ЭСА НАВБАТИ БИЛАН ТУРАР ЖОЙ БЕРИЛАДИ.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-60, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон: 33-90-15.


● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ

КУБОК УЙИНЛАРИ

СССР Футбол федерацияси спорт-техника комиссияси 27 мартда бошланадиган биллур соврин мусобақаларининг биринчи босқичида беллашадиган командаларнинг рақибларини чек ташлаш йўли билан аниқлади. Кубок учун бўладиган мусобақаларни биринчи лигининг 20 командаси ҳамда иккинчи лигининг зонал мусобақалари совриндорлари, РСФСР кубоги биринчилигининг финалчиси ва Украина кубоги эгаси бошлаб беради. Олий лига командалари биллур соврин мусобақаларига иккинчи турдан қўшилишади.

Бу йилги Кубок мусобақаларида республикамизнинг уч вакили Тошкентнинг «Пахтакор», Сирдарё областининг «Янгиер» ҳамда Фарғонанинг «Нефтяник» коллективлари иштирок этишади. «Пахтакор» ўз майдонида Благовещенскнинг «Амур» футболчиларини қабул қилади. Бу учрашув голиби иккинчи турда Тбилисининг «Динамо» командаси билан куч синашади. «Янгиер» ҳам дастлабки ўйинни ўз майдонида ўтказади. Сирдарё футболчилари Симферополнинг «Таврия» коллективи билан беллашадилар. Бу баҳс ғолибини иккинчи турда жуда кучли рақиб Москва динамочилари синовдан ўтказади. Фарғоналиклар эса Киев шаҳрида маҳаллий армия спорт клуби билан учрашишади. Бу матч ғолиби иккинчи турда Одессанинг «Черноморец» командаси билан беллашади.



МОСКВА Олимпиада-80 га катта тараддуд кўра бошлади. Жаҳон спортчиларининг улкан анжумани бошлангунча бу ерда йирик меҳмонхоналар ҳамда бир қатор спорт комплекслари бунёд этилади. Суратларда: (юқоридан) Ленин номли ва Вернад проспектлари муюлишида қуриладиган 2020 ўринли меҳмонхона ва Моспроект-2 бошқармаси ходимлари яратган янги спорт марказининг макетлари.

В. Егоров ва А. Стужин фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

КАМОНДАН ОТИШ

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИДА

Австралияда камондан отиш бўйича 29-жаҳон чемпионати мусобақалари нихоясига етди. Голиблик учун 24 мамлакатдан тўпланган энг кучли мерганлар баҳслашдилар. Олимпиада чемпиони, АҚШ спортчиси Лиани Райен 2515 очко тўплаб, жаҳон чемпиони бўлди. Умумкоманда ҳисобида ҳам АҚШ мерганлари голиб келишди. Совет спортчилари бундан аввалги биринчиликдаги каби яна иккинчи ўринни олишди. Жаҳон чемпиони Зебинисо Рустамова 2450 очко тўплаб, шахсий ҳисобда тўртинчи бўлди. Иккинчи вакилимиз Л. Дашрабданова еттинчи, тошкентлик халқаро мастер Ольга Руленко эса ўн биринчи бўлди.

Эркаклар командамиз эса бу сафар уч поғона юқорига кўтарилиб, тўртинчи ўринни олди.

БАСКЕТБОЛ

ҲАМОН УША ТАШВИШ

Баскетбол бўйича олий лига командалари баҳсида қатнашиб келаётган Тошкентнинг физкультура институти спорт клуби мана бир неча йилдирки, турнир жадвалининг сўнгги ўринларида қолиб келмоқда. Ҳар сафар нишибозлар командамиз олий лигадан чиқиб кетмасмикан, деган ташвишда бўлади. Ўтган йили ҳам худди шундай бўлган эди. Сўнгги турдагина ғалаба қозонган тошкентликлар олий лигада аранг «прописка»ни сақлаб қолишган эди. Бу йилги биринчиликни ҳамшаҳарларимиз анча яхши бошлашди. Улар ўз майдонларида ўтган муҳим ғалабаларга эришиб, турнир жадвалидаги аҳволларини бироз ўнглаб олдилар. Лекин Фрунзеда бўлган иккинчи давра мусобақаларида бешта ўйиннинг ҳаммасида ютқазиб қўйишди. Бунинг сабаби нимада? Бизнингча, энг аввало муносиб резервнинг йўқлигидир. Команда составига назар ташлайдиган бўлсак, деярли ҳамма ўйинчиларни ветеранлар деб аташ мумкин. Коллективнинг асосий кучи бўлиб турган Равиля Салимова—Прокопенко командада салкам йигирма йилдан бери ўйнамоқда. Бошқа ўйинчиларнинг стажи ҳам 8—12 йилни ташкил этади. Бизнингча, энг аввало резерв ҳақида ўйлаш керак. Ана шунда команданинг эртанги кунига умид боғлаш мумкин.

Мамлакатнинг ўн тўрт карра чемпиони Риганинг машҳур ТТТ командасига бу йил Москванинг «Динамо» коллектив муносиб рақобат қилмоқда. Ҳозирда олтин медалга асосан ана шу икки коллектив даъвогар бўлиб турипти.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Ҳўрланганлар (бадиий фильм, 1-серия). 11.30 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.45 — Рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари. 17.15 — Китоб, давр. Китобхон. 17.45 — Москвалиларнинг ишчи кафолати. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — «Камалак». 19.40 — Инсон ва қонун. 20.10 — «Композитор Анатолий Новиков (телевизион музикали фильм). 20.55 — Ҳўрланганлар (бадиий фильм, 2-серия). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Светофор». 12.30 — Фильм-концерт. 13.10 — «Коцюбинскийлар оиласи» (бадиий фильм, 1-серия). 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Пионер дружиналарининг телевизион кўриги. 19.15 — «Фан» программаси. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Концерт. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Шаҳриёр (адабий тевар). 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.50 — Коцюбинскийлар оиласи (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Классик куй саҳифалари. 19.45 — Эстетика. 20.25 — Янгиликлар. 20.45 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.15 — Реклама. 21.30 — Назарий механика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15]II да Флория Тосна (ССР халқ артисти Зиновий Бабий иштирокида), 16]II да Испан миниатюралари, 17]II да Князь Игорь.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15]II да Кўрмайин босдим тиконни, 16]II да Ой тутилган тунда (билетлар сотилган), 17]II да Қиёмат қарз (билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16]II да Қонли тўй, 18]II да Ужарлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15]II да Ишқ қурбонлари (17.30), 16]II да Ишқ қурбонлари (16.00), 17]II Ишқ қурбонлари (17.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Рампа чироқлари (кундуз ва кечқурун).

Рампа чироқлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Эски милтиқ — «ДРУЖБА» (12, 13.40, 16, 17.40, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Барҳаёт кишилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда).

Кексалар учун эрмак — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир ҳушчақчақ дўстим бор — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 02201. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1564.